


## ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ.



Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Изчил равишда ёшларнинг замонавий таълим олиши учун зарур шароитларни яратиш ишлари давом эттирилмоқда ...  
Ш.М.Мирзиёев

**Абдурахмонова Ҳилола Рахматуллаевна.** ТерДУ Педагогика институти “Рус тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси.  
**Абдураимова Азиза Икромовна.** ТерДУ Педагогика институти 2- босқич рус тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

**Аннотация.**

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат эканлиги, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда нималарга эътибор бериш лозимлиги, амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари учун қандай шарт-шароитларни яратиш зарурлиги, индивидуал тарзда мактаб ўқув амалиётида қўллашни шакллантириш ва "Ўқитувчи ва талабанинг илмий ижтимоий" минтақавий лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги инноватцион педагогик фаолиятини йўлга қўйиш масалалари қўрилган.

Калит сўзлар: талаба, олий ўқув юртлари, амалиёт, илмий татқиқод, инновация, худудий, лойиҳа.

**Annotation.**

В данной статье рассматривается проблема цели организации научной и творческой деятельности студентов в высших учебных заведениях, на что следует обратить внимание при проведении научных исследований, какие условия должны быть созданы для проводимых научных исследований, формирование индивидуальной заявки в школьной образовательной практике и рассмотрены вопросы становления инновационной педагогической деятельности при разработке региональных проектов «Учитель и учащийся научного общества».

**Ключевые слова:** студент, высшее учебное заведение, практика, научное исследование, инновация, региональный, проект.

**Annotation.**

This article discusses the problem of the goal of organizing the scientific and creative activities of students in higher educational institutions, what should be paid

attention to when conducting scientific research, what conditions should be created for ongoing scientific research, the formation of an individual application in school educational practice, and the issues of the formation of innovative pedagogical activities in the development of regional projects "Teacher and student of the scientific community."

**Key words:** student, higher educational institution, practice, scientific research, innovation, regional, project.

Хозир тараққиёт ва мустақиллик ярататган чексиз шароитда ҳар бир соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим, ўрта ва олий таълим тизимида янги механизм жорий этилиб, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ жараёнларда жиддий ўзгаришлар талаб қилмоқда. Олий таълим соҳасида сўнгги беш йил яқунларини сарҳисоб қиласиз, ислоҳотлар қўлами нақадар фаол ва улкан эканини кўрамиз. Мамлакатимиздаги жамиятининг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишининг ҳозирги ҳолати олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш даражасига алоҳида талабларни қўяди. Хусусан, мутахассиснинг касбий фаолиятнинг мураккаб турлари соҳасидаги доимий ўзгарувчан шароитларга тезда мослашиш қобилияти айниқса катта талабга эга. Бу олий таълимда касбий кўникмаларни ташкил этишда жиддий таркибий ва мазмунли ўзгаришларни тақозо этади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиздаги барча педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолияти тубдан янгиланади.

Олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлашнинг бирламчи вазифаси талабаларга нафақат касбий билимлар назарияси билан таъминлаш, балки келажакдаги фаолияти соҳасидаги самарали усуллар билан қуроллантириш, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш, уларни мустақил равишда ўзгаришиш ва янги илмий билимларни ривожлантириш, ўзлаштириб олиш қобилияти ва малакасини оширишдан иборат. Жамиятда доимий ўзини-ўзи ижодий касбий такомиллаштиришга интилувчан бўлган одамларга бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб борар экан, педагогик кадрларни етиштириб берувчи олий таълим тизимида ўкув жараёнини фан билан уйғунликда ўзлаштиришга эътиборни кучайтириш долзарб масалалигича қолаверади.

Таълимда кадрлар тайёрлаш даражасини интелектуаллаштириш ўкув жараёнида инноватцион ўзгаришларнинг кенг қамровда фойдаланиш учун ахборотлаштириш маданиятининг янги босқичига ўтишни таъминлаш юқори

малакали мутахассисларнинг янгиланган таълим моделларига йўналтирилишини осонлаштиради.

“Бугунги кунда олий таълим профессор ўқитувчисининг вазифаси – таълим жараёнини талабаларда фақат репродуктив фикрлашни эмас, балки ижодий-креатив фикрлашни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдир. Бу масаланинг нечоғлик долзарб эканлиги хусусида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев республикамиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида: «... ўкув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўкув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимиизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз», дея таъкидлаган.”[1]

Яқин тарихда педагоглик олий ўкув юртлари бўлажак талабаларнинг ижодий имкониятларини мақсадли рағбатлантиришда илмий-тадқиқот фаолиятини ҳам амалиётида ҳам, назарияда қўллаш бўйича катта тажрибалар тўпланган.

Талабаларнинг интеграциялашуви эҳтиёжларидан келиб чиқиб, илмий-тадқиқот соҳасида касбий тайёргарлигини ташкил этишнинг хорижий моделларидан фойдаланиш, мамлакатимиз таълим тизимига етакчи илғор педагогик институт ва университет талабаларининг соҳасидаги ютуқларини, шу жумладан уларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги иштирокини қўллаш катта қизиқиши уйғотади.

“Бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабалар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари учун куйидаги шарт-шароитларни яратиш такозо килинади: талабаларда илмий тадқиқотчиликка оид маданиятнинг шаклланишига замин тайёрлаш; талаба-ёшлиарда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш нафакат давлат, балки шахс манфаатларини ҳам кондиришига ишончнинг карор топишига эришиш; талабаларда илмий тадқиқот ишларига оид билимларни узлаштиришга булган ички эҳтиёж ва кизикишнинг юзага келишини таъминлаш; талабаларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш меъёрларига нисбатан хурматни карор топтириш; талабаларда илмий тадқиқот фаолиятига оид куникма ва малакаларни шакллантириш; талабаларда илмсизликка карши кураш туйгусини тарбиялаш; талабаларда илмий-педагогик маданият ва фаолликни карор топтириш; талабаларда илм орқали билим олиш куникмаларини шакллантириш ва бошталар” [2]

Олий таълим тизимида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида педагогика институтларида бўлажак мактаб ўқитувчиларини касбий тайёрлаш омили сифатида, педагогик ихтисосликлари ва маҳсус курслар тизими орқали ёш изланувчиларининг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқотчилик малакаларини шакллантириш мақсадга

мувофиқдир. Бундан ташқари бўлажак ўқитувчининг касбий малакасини ва ижодий салоҳиятини ошириш мақсадида тадқиқот фаолиятини индивидуал тарзда мактаб ўқув амалиётида қўллашни шакллантириш асосий ечимини кутаётган муаммоларидан биридир.

Биринчидан, бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий илмий салоҳиятини ривожлантириш босқичи рейтинг тариқасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда аниқ белгиланган мезонлари ва оралиқ ва якуний натижалар кўрсаткичлари билан яхлит босқичма-босқич дастури мукаммал эмас.

Иккинчидан педагогика институт талабаларини илмий тадқиқот ишлари мазмунида ҳудудий жамият инфратузилмаси жихатидан минтақавий жиҳат суст ифодаланганлигини назарга олиш ва ва шу асосда илмий-тадқиқот ишларининг келажақдаги касбига тайёргарлиги аҳамиятини англаш даражаси мотивацион тушунчаси етарлича ривожлантиришни йўлга қўйиш.

Учинчидан, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш жараёнида табақалаштирилган ёндашув етарлича баҳоланмайди ҳамда зарурӣ малакаларини шакллантиришда синфдан ташқари ишларнинг шакл ва усусларининг тарбиявий салоҳиятига етарлича баҳо берилмайди.

“Умуман олганда, илмий тадқиқот - жамиятни баркарор ривожлантирувчи мухим стратегик ходиса бўлиб, у айнан узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида комплекс тарзда шаклланади ва ривожланади. Олий таълимда тахсил олиш жараёнида хар бир талаба фанларни ўзлаштириш орқали илмий тадқиқотнинг муайян шаклларини бажаради.” [3]

Келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида куйидаги вазифалар белгиланиши лозим:

1. Педагогика олий ўқув юртларида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг тенденцияларини аниқлаш ва минтақавий ўзига хосликларини очиб бериш ва амалиётчи талабаларнинг фаол иштирокида қўшма ижодий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ўқитувчилар тайёрлаш институт ва таянч мактаб ўртасидаги алоқани чуқурлаштириш;

2. Педагогик олий ўқув юрти талабаларида тадқиқотчилик кўнилмаларини шакллантиришнинг умумий структуравий модели [тизими]ни асослаш ва мактаб амалиётида жорий этиш ҳамда талабалар томонидан бажарилган илмий ва ижодий ишларни ижтимоий шунингдек минтақавий аҳамиятга эга бўлган мезон бўйича баҳолаш услубини такомиллаштириш;

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари таълим соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти кўникумаларини ривожлантиришнинг аниқ педагогик шартлари ва технологиясини ишлаб чиқиши.

Педагогик институтлари битирувчиларнинг инноватцион педагогик фаолиятга тайёргарлигининг муҳим таркибий қисми умумий, кейинчалик давом эттирилиши мумкин бўлган илмий иши ва амалиётда қўлланиши ва оммалаштирилиши мумкин бўлган "Ўқитувчи ва талабанинг илмий ижтимоий" минтақавий лойиҳаларни ишлаб чиқишидаги инноватцион педагогик фаолиятига бўлиннишидан иборат. Бу жараён асосан кириш, тайёргарлик, амалиётга йўналтирилган ва малакавий –якуний хулосалар келтирилган кўникумалар ва иш тажрибаларидан ташкил топади. Бу тажриба босқичма-босқич, талабаларни илмий-тадқиқот фаолияти кўникумаларини эгаллашнинг мотиватцион компонентини рағбатлантириш ва ўқитишнинг ноанъанавий шаклларни ишлаб чиқиши ҳамда жорий этиш орқали технологик компонентни бойитиш асосида синфдан ташқари илмий-тадқиқот фаолиятининг таълим салоҳиятини фаоллаштириш мақсадида маҳсус ўқув машғулотларини индивидуал табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишни талаб этади.

Натижада институт талабаларининг илмий-амалий тадқиқод ишларида бўлғуси энг яхши ўқитувчилар олдида илмий-тадқиқот малакаси ва ижодий маҳоратига эга бўлган юксак қасбий маҳорат намуналарини тақдим этиш ва саралаб олиш имконияти туғилади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. «Касб таълими» кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. “Талабаларнинг таълим жараёнидаги компетентлигини ривожлантиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш зарурити” “Педагогик технология” журнали 32-39 бетлар. Рахимов З.Т. Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти. «Касб таълими» кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.
2. Рахимов Б.Х. Талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишларига йуналтириш асослари. Монография. -Тошкент: Фан, 2007. - 152 б.
3. “Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалалари”. “Замонавий таълим / современное образование” 2021, 5 (102). 2-7 бетлар.

Аллаярова С.Н. Ўзбекистон Миллий университети. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослиги 2-курс докторанти (DSc), фалсафа фанлари номзоди, доцент.